



ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



THE INTERPRETATION OF THE VALUE OF INTERGENERATIONAL RELATIONS IN ARTISTIC CREATION (IN THE CASE OF TILOVBERGAN JUMAMURATOV'S LEGACY)

Malika Djumamuratova

Candidate of Philological Sciences, Professor of the Department of Journalism

Karakalpak State University

Nukus, Uzbekistan

E-mail: djuma2008@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: value, orientation, artistic creativity, generation.

Received: 13.12.24

Accepted: 15.12.24

Published: 17.12.24

Abstract: The relevance of the article is explained by the fact that, the world is in endless motion, each specific epoch presents its own norms of behavior, and in our age of globalization, the traditional foundations of ideological, axiological, and ethical characters are changing. With the unprecedented scale of high technologies, the acceleration of information accessibility, the problem of personal value orientations is particularly deepening and awaits new scientific interpretations.

The object of our research is artistic creativity, as an important tool for the formation of personality, as well as moral, ethical, and moral values in society.

АВЛОДЛАР МУНОСАБАТИ ҚАДРИЯТИНИНГ БАДИЙ ИЖОДДАГИ ТАЛҚИНИ (ТИЛОВБЕРГАН ЖУМАМУРАТОВ МЕРОСИ МИСОЛИДА)

Малика Джумамуратова

Филология фанлари номзоди, журналистика кафедраси профессори

Қарақалпоқ Давлат университети

Нукус, Ўзбекистон

E-mail: djuma2008@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: қадрият, ориентация, бадиий ижод, авлод.

Аннотация: Мақоланинг долзарблиги дунёнинг чексиз ҳаракатда эканлиги, ҳар бир ўзига хос давр ўзига хос хулқ-атвор нормаларини тақдим этиши ва глобаллашув асримизда мафкуравий,

аксиологик ва ахлоқий белгиларнинг анъанавий асослари ўзгариб бораётгани билан изоҳланади. Юқори технологияларнинг мисли кўрилмаган кўлами, ахборотга киришнинг тезлашиши билан шахсий қадриятлар йўналиши муаммоси айниқса чукурлашмоқда ва янги илмий талқинларни кутмоқда.

Бизнинг тадқиқот обьекти - бадиј ижод, жамиятда ахлоқий, ахлоқий ва ахлоқий қадриятлар билан бир қаторда шахсни шакллантиришнинг мухим воситаси сифатида.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЗНАЧЕНИЯ МЕЖПОКОЛЕНЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТВОРЧЕСТВЕ (НА ПРИМЕРЕ НАСЛЕДИЯ ТИЛОВБЕРГАНА ДЖУМАМАРУТОВА)

Малика Джумамуратова

Кандидат филологических наук, профессор кафедры журналистики

Каракалпакский государственный университет

Нукус, Узбекистан

E-mail: djuma2008@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: ценность, ориентация, художественное творчество, поколение.

Аннотация: Актуальность статьи объясняется тем, что, мир в бесконечном движении, каждая конкретная эпоха предъявляет свои нормы поведения, и в наш век глобализации меняются традиционные устои мировоззренческого, аксиологического, этического характеров. С невиданным размахом высоких технологий, ускорением информационной доступности, проблема — ценностные ориентации личности особо углубляется и ждёт новых научных толкований.

Объектом нашего исследования выбрано художественное творчество, как важный инструмент формирования личности, также, моральных, этических, нравственных ценностей в обществе.

Ҳозирги глобаллашув, ахборий жамияти такомиллашуви шароитида, модернизация ва глобализация жараёнлари боис умуминсоний қадриятлар масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ўзгарувчан дунёда ҳар давр дастурий ва ўзгарган дунёқараш – аксиологик ва ахлоқий сифатлардаги ўз тартибларига ундейди. Шу боис, муаммоларни ўрганиш, мушоҳада қилиш, ечимини қидириш зарурлиги бор.

Албатта, ёшлар ва кекса авлод ўртасидаги муносабатлар муаммоси эски тарихга эга, доимо мавжуд бўлган масалалардир. Ҳар бир аниқ даврда ушбу муаммонинг мазмuni

ўзига хос тарихий хусусиятлари, авлодлар муносабатларининг ўзига хос ижтимоий ўлчамларни шакллантирди. Янги авлод — барча олдинги авлодлардан мерос бўлиб ўтган натижалар асосида харакат қилишади.

Кекса авлод ва ёшлар асидаги ўзаро мулоқат муаммоси шунда, бир авлод тарбияланган даврдаги тушунчалар ва муносабатлар, ҳатто қарама-қарши бўлмаса ҳам, бошқа авлод учун бошқача ва қисман тушунарсиз туюлиши ҳам мумкин. Демек, дастурий қадрият бўлиб келган айрим муносабатларга нисбатан, келгуси авлод танлаш йўлига, кексалар эса тушиниш йўлига риоя қилади. Шунинг учун бу масалада, нафақат мажаро, балки, авлодлар кетма-кетлиги, ривожланиш диалектикаси нуқтайй назаридан баҳолаш туғри бўлади.

Ҳаёт фалсафаси – эскидан келиб энди кетаётган ёки дунёга энди келиб келажакга талпинаётган авлодлар муносабатига, дастурийлик ва уларнинг янгича талқини, кексалик донолик ва ёшлик жасурлиги, шу асосда каттага хурмат ва ёшларга тилакдошлиқ қадириятларига қурилган. Маданий мерослардан бўлмиш бадиий ижодда ҳам қадриятлар мажмуйи мужассам. Булар шунчаки мавҳум тушунчалар эмас, балки, ҳаётимизни шакллантирадиган ҳақиқий харакатлардир.

Бизнинг ушбу мақоламизда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердақ номидаги Давлат мукофати эгаси Тиловберган Жумамуратов (1915-1990) ижодидаги авлодлар мусобатлари кесимида кексаликни эъзозлаш қадирияти ўрганилади.

Тиловберган Жумамуратов шарқ маънавий оламидан баҳра олган, шеърий фикрлаш қобилияти сабабидан етук бадиий қаторларни бирданига тўкиб солганидан «төкпе шайыр», яъни импровизатор деб донг таратган, «шоирликни катта маротаба» билиб, халқининг маънавий оламини бойитган катта сўз устаси. Унинг асарларидаги теран фикр, умр фактларига муносабат, фалсафий хulosалар насиҳат қабилида қалбга жойлашиб, албатта, ижтимоий онга таъсир қилиб бораверади.

Фалсафий луғотларга кўра, «Қадриятлар тизими инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳаётида, унинг атрофдаги кундаликли нарсалар ва ҳодисаларга турли хил амалий муносабатларини белгиловчи, таянч нуқталари ролини ўйнайди»[9,534].

Қадриятлар — хайриҳоқлик асосига қурилган, онтологик, гносеологик, эвристик ва дунёқараш муносабатларида кўринадиган, жамият ривожланишида ва ёшлар комиллигига катта аҳамиятга эга тушунчадир. «Муваффақиятга емас, балки у берадиган қадриятларга интилинг» деген экан олим Альберт Эйнштейн» [6]. Профессор Росс Кэмпбелл ўзнинг китобларида инсон ҳаётида жуда зарур бўлган ақлий мувозанат асосини — уларга болаликда бериладиган рухий қулайликдан, яъни ёшликтаги меҳрли таълим-тарбиядан излайди.[5,9]

Инсоният ривожланишининг энг яхши анъаналарини, халқ донолигини ўзларида сақлаб келаётган кексаларни қадрлаш, иззатини жойига қўйиш, ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг асрлардан мерос ақлий тажрийбасини ўрганишнинг аҳамияти катта. «Қариси бор уйнинг париси бор» деганларидек, ёши улугларни ардоқлаш умуминсоний ва миллий қадриятларимиз сирасига киради.

Ушбу шоирнинг сўзи билан айтганда:

*Кўпни кўрган қарияларни тинглассанг,
Мафтун қилар қизиқарли китобдай.*

1946-йили Асан Бегимов муҳаррирлигига чоп этилган «Ёшлар овози» аталган альманах саҳифалари Тиловберган Жумамурадовнинг «Шоирлик тўлкини» шеъри билан бошланади[1,3].

Ҳақиқат юзасидан айтиш мумкинки, бу альманаҳда ушбу шоир шеърлари мазмун ва юқори бадиий савияси билан ажralиб туради. Шу билан бирга, шеърда авлодлар муносабатида ёшларга эл, халқ, Ватан олдида катта маъсулият моҳияти таъкидланган.

Бунда ёш қаламкаш:

*Көгоз — майдан, қалам йўрга,
Чоп йўргада қўлим менинг,
Эл қизиқар сулув жисрга,*

Сайра-сайра, тилим менинг,- деб ўзи истъедоди ва соҳаси миқиёсида ёшларга эл учун хизмат вазифасини юклайди.

Масалан, бу қаторлар — табиатан шоирлик илҳоми насиб этган шахснинг Ватан олдида ўз вазифасини Ватанга хизмат, деб билиши, ўнинг ички танлови, хаётдаги мақсадидир. Шунинг учун ҳам бу юрак сўзлари, хайқириги жонли, ҳаётий:

*Эл фарзанддан қилар таъма,
Халқ тиласини бекор дема.
Шоирлик улуг маротаба,
Кукка етар кўнглим менинг.*

*...Тизил сўзларим, юдуздай,
Ёрқираб турсин қундуздай,
Сўз саллонсин сулув қиздай,
Севсин шодли элим менинг!*

Авлодлар муносабати ўрганилганда, ота-она ва фарзандлар муносабати масаласига алоҳида тўхтаб ўтиш жоиз. Чунки, ота-она қадрияти ўз шахсияти ва оилавий

қадриятларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ота-оналиқ намунаси фарзанднинг ривожланишига, фарзанднинг қадрият даражасидаги мақомига бевосита таъсир қиласди.

Шоир бир интервьюсида «Энг аввало мениг устозим *Онамдир. Онамнинг қизиқарли эртаклари, сўнгра баҳии ва қиссаҳонларни севиб тингладим*»[4,3] деб жавоб қилган. Бу фикрлар шеърий қаторларда ҳам ўз тасдифини топади:

*Онам айтар эди билсин ёшлиар деб,
Олдингизда талай тоғ ва тош бор, деб.*

Қорақалпок адабиётида, 1939-йили лирика жанрида, юксак бадиий савияда онани меҳр гултожига қиёслаб «Она» шеърини ёзган Тиловберган шоирдир.

Шоир юрагида жаранглаган қалб сўзлари, шеърда шундай намоён бўлган:

— Эй *Она, биламан, тилагимдасиз,*
Сиз менинг доимо юрагимдасиз,
Мени қандай курадиган бўлсангиз,
Менинг юрагимда шул тарздасиз.

Она таърифи оддий хаётий эътирофлар билан чин дилдан юксак мақомда ўз аксини топган бу шеърнинг вақтида, халқга тараб кетганлигидан кексалар ҳам унутмаслиги, ҳозирги даврда ҳам ҳар бир қаторлари ёшларимиз ёдида сақланиб келишининг боиси ҳам шунда.

Шеърда шоирнинг болалигидаги онасига меҳри акс этган бўлса, «Хаётим лирикаси» шеърида эллик ёшга тўлган инсоннинг она қадриятини шахсий хаётий мисолларида эъзозловчи хulosалари бор.

Бир армоним орзулар чаманини,
Отам билан мунис онам курмади», дейди шоир. Сўнги мисраларда бу каби онага меҳр ва соғинч асослари яна ҳам аниқлашади:

*Онам фақир зор энграйди эзилиб,
Кўзларидан қонли ёши тўклилиб,
Ўн олтидан ёлғиз қолган мен бўлдим,
Он беш юлдуз ер остига кўмилиб.*

*Кетганларга жони ўтдай куяди,
Маъюс тортсам, яшил гулдай сўлади.
Ёшлиқдамас, ҳозиргина ўйлайман,
Пўлат экан бечоранинг суяги.*

Табассумим жуда шодли қиласди,

*Қовоқ солсам ёшил гулдай сунади.
Жон бор жойда хафалиги билинмас,
Овлогида ўксиб-ўксиб олади.
(«Ҳаётим лирикасидан»)*

Шоирнинг «Оналикни ҳурмат билан оқладинг», «Ёшиимда эмас, эндиғина ўйлабман, нўлат экан бечоранинг суюги» каби мисраларда она матонатини тоғ-у тош каби мустаҳкам, сабр бардошли, ҳаётимизнинг чироги эканлигини ифодалайди. Она, шундай яратилганки, улар ибрат олгулик машаққатли меҳнати ва сабр-токати, меҳри билан дунёни бошқаради.

Бундай шеърларини ўқиганда юракнинг туб-тубида алангали туйғулар уйғонади. Бу туйғулар ўзгача такрорланмас, уларни етказиб юзага чиқармоқчи бўлсангиз, қанча қағоз қоралаб ёzsанг ҳам кўнглингиз тўлмайди, бу дил сўзлари фақат ўз муаллифига хос.

Авторнинг рубоий, баллада, поэма жанрда ёзилган асарларида ҳам она образи лирик фалсафий ечимини топган:

*Ҳаёл гоҳи мазаҳ қиласар одамни,
Кўзим тушиди, атрофи қоронги.
Тушингда ҳам куриши қийин изласанг,
Тиригуда қадрлагин онангни!*

Шоир, кўнглидаги энг улуф ҳис туйғуларини бадиий мисраларда хаммага тушинарли баён қиласди, энди кеса инсоннинг она қадрияти ҳаққидаги яна ҳам теран маъножаги хулосасини эшитамиз:

*Типир-типир полапоннинг қаноти,
Онасининг меҳирига хўп қонади.
Барчамизни тик оёққа тургизган,
Дунёning энг чўққиси денг Онани!*

Ота-она меҳр-муҳаббати — қадрият ҳисобланади, чунки у боланинг соғлом ҳиссий ривожланиши учун зарурдир. Бу ўз-ўзини қадрлаш туйғусини ривожлантиришга ёрдам беради, бу умумий фаровонликка ижобий таъсир кўрсатади.

Олим-педагог В.А.Сухомлинский донолик мағзини — болани эртадан фикрлашга ўргатишида деган фикрга урғу бериб, болалар онги ва болалар хотирасининг табиати ўз нақшлари билан ўзгача эканлигини эътироф этиб, атрофдаги ёрқин дунёни чақалоққа бир дақиқага ёпмасликни талаб қиласди. Айниқса, ота-онанинг фарзандга меҳри — донолик асоси» деб билган. [7]

Т.Жумамуратов ижодида кексаларни эъзозлаш қадрияти — ота-она, ақл, сабр, фидоийлик, таълим-тарбия тушунчалари билан уйғунликда ўз аксини топганлигини

кўрамиз. Ақл бавор қилмас бу фидойиликнинг мағзи эса — ота-онанинг битмас-туганмас чексиз меҳридир.

*Бола деса ихлос нега ортар-а?
Гоҳи урушсам, муҳаббатим бор, қора?
Не ҳосият, шунча кучли, билмадим,
Юрагимни шунча меҳр тортар-а?*

*Ҳамма нарса бора-бора эсикрап,
Хаёлимга теран фикр тус кирап.
Эскирмайди фарзанд учун муҳаббат,
Бор-бара оғирлашган куч кирап.*

Ота-она қадрияти мағзи — тарбия соҳасидаги билим, яъни, кўникма ва анъаналар мажмуасини яратишидир. Яъни, ота-она бурчи — оилада муносиб инсонни, соғлом жисмоний ва маънавий даражани шакиллантириши тақоза қиласи. «*Оналикни ҳурмат билан оқладингиз!*», «*Отам мени яхши кўрмас, дедингми? Ишонмасман дадам бўлган менинг ҳам!*» деган каби шоирнинг қалб сўзлари бежиз гап эмас.

Ота-она қадрияти — ота-она маъсулиятига бориб тақалади. Чунки, ота-она ўчун фарзанднинг ёмон ҳулқидан ҳам ошган дард бор эканми? Масалан, бола «сув» (шароб) ичса, она оғу ичар экан.

*Бола юрса бир жойларда «сув» ичиб,
Бояқуш она кутади огу ичиб....»*

Шоирнинг «*Кексаликнинг қадр қимматини — ёшликтаги таёргарликда*» деган фикри ўнинг «*Баҳорида тайёрлансанг кузига, Чарчатолмас қарилекнинг қаҳри*» деган қаторларида ўз аксини топган.

Бу каби оила тартиб-интизом шоир «Рубойи»ларида шундай тасвирланади::

*Мева тарбияси ёидан бўлади,
Аслида, тарбия ёидан қўнади,
Қаровсиз экиндан ҳосил кутмагин,
Тарбиясиз бола душиман бўлади.*

*— Болам, ношуд, мен ҳақман, деб мақтанма,
Метр ўлчанади икки ёқдан да,
Аввалида бош бўлади гуноҳкар,
Оёқ бориб балчиқ жойга ботганда.*

Шоир, кексаликнинг ўзига ҳам катта вазифалар қуиб, ўз рубайисида шундай ёзади:
Ўғил-қизни авайлаб, улгайттингиз,
Ҳозир мана жойида ҳурматингиз.
Қариганда қайта бола бўлурсиз,
Шунда ҳисоб, эркаласа фарзандингиз.

Шоир тафаккурида авлодлар муносабати қадрияти ҳақида битта умумий хулоса бор, яъни, «Дунё бошидан ҳамма учун қурилган»; «Ёш-у кекса бу дунёда тирик жон».

Бу борада ҳам муаллифнинг ўз хулосаси бор:

Йигитликни мардлик билан топдингми?-
Қарилар ҳам йигит бўлган вақтида.
Чол олдида ёшлигинга мақтанимай,-
Ўйласангчи, келажагинг ҳаққида!

Шоир одоб ўлчамини ота-онани, ёши улуғларни қадрлаш билан белгилайди.

Масалан, «Бола ҳақида сўз» балладаси:

«Дадам мени яхии кўрмас» дедингми,
Ишонмасман, дадам бўлган менинг ҳам!..» деган мурожатдан бошланади.

Халқ ривояти асосида ёзилган бу асар мазмуни шундан иборатки, Искандар подшонинг томоғида суяқ туриб қолади. Табиб «ўз фарзандингнинг қонини сочишдан бошқа даъвоси йўқ» деган жавобни айтади. Аввалига бунга қўнмаган подшо, жуда қаттиқ жон азобида оғзидан «майли» сўзи чиққанини сезмай қолади. Қип-қизил бола қони отилганида «қандай қилиб рози бўлдим, энди менга ҳаёт не ҳожат» деб чексиз изтироб илиа «войдод» солганида, томоғидаги суяқ отилиб чиқади. Лекин, энди подшони қимматга тушган бу саломатлик хурсанд қилолмайди. Юраги қон йиғлаётса, олдига боласи келади, тирик!... Ҳатто товук ҳам сўйилмаган. Фарзанд доғи қанақа бўлишини тушунган табиб, атайин ҳийла ишлатиб, қон деб бўёқни сочиб, подшони шу куйга солиб даъволаган экан.

Подшо «тила тилагингни» деб молу-мулкидан инъом қилса, табиб рози бўлмайди. «Менга берган зўр совғангиз шу бўлсин, Хеч фарзандни айирмангиз отадан» деб жавоб беради.

Асар охирида шоир ўз мурожатини давом этиб, хулоса қиласи: «Ўз отангни шунча ёмон кўрасан, Сенинг отанг Искандардан золимми?!»

Муаллифнинг «Хеч ким билмас» сонетида кексани улуғлаш қадирияти кескин мураккаб вазиятларда тасвиранган:

Оқсоқ кампир, буқчайганча қари чол,
Ҳазиллашибди хиёбонда учрашиб.
Бир чиройли эрка келин бўлди лол,

Нега бунча қувонади кампир, чол?!....

Бу сонетда ёш келинчак, чол-кампирнинг хиёбонда ҳазиллашиб, қувнаганларига, «ўлай деб тўриби-ю» деб киноя қиласди. «бу гапларга муштипар кампир хафа бўлди» деб шоир, яъни лирик қаҳрамон қийналади. Чунки, бир вақтлар:

Кампир гўзал эди, чол-чи баҳодир,

Кўп даврада бирга эди ёшидан.

Иккиси ҳам ишқ ўтида ўртанди,

Армон билан ёшлик ўтти бошидан.

Сўнгра бу кичкинагина сонет воқеаси бирданига бошқача тус олиб, юқорида айтилган хафагарчиликдан минг бора қўрқинчлироқ трагедия юз беради, яъни, келинчак дунёдан ўтиб қолади. Бундай мураккаб вазиятдан хулоса чиқаришда шоир жуда эҳтиёткор, нозик ишораларда фикрлайди. Чунки, нақадар «билимаслик» бўлса ҳам, гул умр ҳазон бўлмасин... Шу сабабдан ҳам ҳатто лирик қаҳромоннинг ўзи ҳам «аттанг, аттанг» деб қайғуриш ҳолатига тушади. Ҳаёт фалсафаси эса қатъий:

Ҳеч ким билмас, қайси гулнинг сўлишини,

Қай тананинг қора тупроқ бўлишини...

Шоир авлодлар муносабатини таърифлашида ёши улуғларнинг ҳам олдига таълимтарбия вазифаларини қўяди, фарзандлар иззатига эришиш ва пири-бадавлатлик шартини эслатади: «Энг аввало бош бўлади гуноҳкор, Оёқ бориб балчиқ жойга ботганда»; «Баҳорида таёргансанг кузига, Қийлантирмас қарилукнинг ҳеч қаҳри».

Умр мавсумлари ҳар ҳил шароитда ўтган, лекин, Бир даврда яшаш тақдирига эга, авлодлар муносабатларининг ижобий натижаси ҳақида шундай мулоҳазаларни кўрамиз:

Бола чолга тақлид қилса,

Оғаликнинг ниишони.

Кўп эшиитиб, кўп ўрганса, -

ҳалоликнинг ниишони.

“Бўлар бола беши ёшидан,

танилади ” деган бор.

Ўн бешида эл бошқарса, -

Доноликнинг ниишони.

Вақт ўтган сари асрлардан мерос қадриятлар ҳалқ педагогикаси хаёлий фикрлаш, хотира, табиат ва инсонга ҳурматни ривожлантиришдан ташқари, ўсиб бораётган шахснинг ахлоқий қадриятлари ва муносабатларини шакллантиришга ёрдам беради, бу ҳозирги вазиятда айниқса муҳимдир. Замонавий ҳаётнинг доимий вақт босими, маълумотларнинг тез ўсиб бориши ва ривожланиши каби омиллари

Рус ёзувчиси Л.Н.Толстой: «Биз ёшларнинг «мен бошқанинг ўйлагани билан яшамоқчи эмасман, ўзим ўйлайман» деганларини эшитамиз. Ўйланилган нарсани ўйлаш нега керак? Тайёрини ол ва олға қарай кетавер. Инсоният кучи мана шунда»[8]-деган экан. Албатта, бу ерда Л.Толстой бирорнинг боши билан яша деягани йўқ. Мутафаккирлар, бадиий сўз ахли қолдирган маънавий мерос – бу келгуси авлод учун энг тўғри мўлжал, дунёни ушлаб келаётган энг ҳаққоний асосдир» демоқчи.

Шу нуқтаи назардан, хулоса қилиб, айтишимиз мумкинки, вақт ўтган сари аҳамияти ортиб бораверадиган, яна ҳам теран англаш, илмий изланишларга ундейдиган бу ижод – ҳалқ шоири Тиловберган Жумамуратовнинг серқирра, бой меросининг ўзи ҳам қадриятдир.

Адабиётлар

1. Жаслар ҳаўазы. (Жас шайырлардың қосықларының жыйинағы). Баспаға таярлаған ҳәм редакторлаған А.Бегимов. Қарақалпақстан мәмлекетлик баспасы. Нөкис, 1953-жыл.
2. Жумамуратов Т. Өмириңниң өзи — философия. 2005-дым. Нөкис, «Қарақалпақстан» баспасы.
3. Жумамуратов Т. Аралға келдим оралып. 2016-жыл. Нөкис, «Қарақалпақстан» баспасы.
4. Жумамуратов Т. «Дийдар» сораўларына жуўап. «Қарақалпақстан жаслары» газетасы 1986-жыл, 26-сентябрь.
5. Кэмпбелл Р. Как на самом деле любить ребенка. М. Знание, 1992. 192 с.
6. Стремитесь не к успеху, а к ... умные слова гения Альберт Эйнштейн.
<https://dzen.ru/a/ZIbZ7KuEFG5mY623>
7. Сухомлинский В.А. Мудрость родительской любви. М.: Молодая гвардия, 1988.304 с.
8. [Толстой Л. Н. Источник: http://www.wisdoms.ru/88_1.html](http://www.wisdoms.ru/88_1.html)
9. Философский словарь / под ред. И.Т. Фролова. — 5-е. — М.: Политиздат, 1986. — С. 534. — 590 с. Архивировано 12 августа 2021 года.